


ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№47
(699)
2008 йил,
14 ноябрь, жума

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

11-12 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Молия вазири Р.Азимова маъруза қилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси А.Ахадов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Савол-жавоблардан кейин мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг лойиҳаси батафсил муҳокама қилинди, муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, 2009 йил учун мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар иқтисодиётни юксалтириш, таркибий жиҳатдан яхшилаш ва модернизация қилишнинг барқарор ҳамда мувозанатлаштирилган суръатларини таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан яхшилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, бизнес учун мумкин қадар қулай шарт-шароит яратиш, чет эл инвестицияларини ҳар томонлама жалб этиш ҳисобга олинган ҳолда иш-

лаб чиқилган. Шу билан бирга, давлат харажатларининг фуқаролар даромадлари ичида ўсиб боришини, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги хизматлар сифати янада оширилишини, шунингдек, аҳоли кам таъминланган қатламларининг ижтимоий ҳимояланганлиги таъминланишини назарда tutuvchi ижтимоий йўналтирилганлиги сақланиб қолмоқда.

Муҳокама пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетини маъқулади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Б.Соатов учинчи ўқишда тақдим этди. Ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Қонунчилик палатаси иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасида ишончли ҳуқуқий негизни яратиш учун қабул қилинаётган қонуннинг му-

хим эканлигини қайд этиб, депутатлар томонидан киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

Иккинчи ўқишда қўриб чиқиш учун киритилган «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Солиев маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳужжатнинг модала-модда муҳокамаси жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари қонун лойиҳасининг почта алоқаси соҳасида кўрсатиладиган хизматларни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Депутатлар муҳокама қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдирилди, таклифлар инобатга олинган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).



ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДАЛARI

учун замонавий дарслик ва қўлланмалар
яратиш Ватан тараққиётига хизмат қилади

Китоб ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, одамларга меҳр-оқибат туйғуларини камол топтиришнинг энг яхши воситасидир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида матбаа маҳсулотларининг сифатини халқаро талаблар даражасига етказиш, ўқув адабиётлари ва дарсликлар савияси-

ни кўтаришга жиддий эътибор қаратилди. Давр руҳи, қадим қадрият ва анъаналаримиз асосида шаклланди. Давр руҳи, қадим қадрият ва анъаналаримиз асосида шаклланди. Давр руҳи, қадим қадрият ва анъаналаримиз асосида шаклланди.

Хусусан, Президентимизнинг 2006 йил 31 мартдаги «Умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Ўзбекитбосавдо» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида барча вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида «Умумтаълим мактаблари учун кейинги ўқув йилига мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-усlubий қўлланмаларнинг кўرғазма-ярмаркаси» ташкил қилиб келинмоқда.

Кеча Республика ўқувчилар саройида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти бўйича кўрғазма ярмарканинг очилиш маросими бўлди.

Учинчи бор ўтказилаётган кўрғазма-ярмарка йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Гафур Ғулом, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа уйлари ҳамда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти турли мавзудаги адабиёт ва плакатлар билан иштирок этаётгани кўпчилиكنинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Кўрғазма-ярмарка давом этмоқда.
Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
«Адолат» мухбири.
Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

ЭРКИНЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида 1992 йилда қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Конституцияси Ватанимиз тараққиётида янги даври бошлаб берди. Бош қомусимиз қабул қилинган 8 декабрь алоҳида қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун, умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

Таъкидлаш керакки, мустақил Ўзбекистон совиқ иттифок республикалари орасида биринчи бўлиб ўз Конституциясини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Конституциямизнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, Конституциямиз асосий қонуни сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши мукаррар, деб таъкидлаган эди.

Давлатнинг жамиятга раҳбарлик қилиш ва бошқариш соҳасидаги ролини унинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати белгиланди. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш эса турли хил ҳуқуқий асос орқали амалга оширилади. Улар орасида асосий ўринни, ҳеч шубҳасиз, конституция эгаллайди.

Конституция ҳар бир давлатнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади. Унинг меъёрлари нафақат давлат тузуми, давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил



этиш принципларини, балки ижтимоий ҳаёт меъёрларини ҳам белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Конституциясининг 14-бобида оилавий турмуш тарзининг ҳуқуқий асосини конституцияга асосланади. Бошқача айтганда, конституция барча қонун ҳужжатларининг асоси, манбаи ҳисобланади.

лигини кафолатли таъминлаш, мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган.

Конституциявий ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, конституция ўзининг асосий қонунларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун кенг имконият яратади.

Асосий конституциявий қоидалар, принциплар юридик базани ташкил қилади. Ушбу юридик база негизда эса ҳуқуқнинг барча — молиявий, фуқаролик, жиноий, меҳнат ва бошқа соҳаларининг нормалари жаммасам. Ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат (қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқалар) конституцияга асосланади. Бошқача айтганда, конституция барча қонун ҳужжатларининг асоси, манбаи ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, конституцияларнинг юридик жи-

ҳатдан анча мукамал авлоди йигирманчи асрда пайдо бўлган. Унгача яратилган конституциялар орасида энг қадимийси Англия конституцияси ҳисобланади. Унинг пайдо бўлиш тарихи ўн учинчи аср боши, яъни 1215 йилга тўғри келади.

Маълумки, асосий қонун, яъни конституцияда бошқа барча жорий қонунлар учун асосий аҳамиятга эга гоя ва қоидалар мустаҳкамланади. Шу тариқа ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқ тизимида у устувор аҳамият касб этади.

Конституциянинг устуворлиги яна шунда намоён бўладики, унга нафақат шу давлат фуқаролари, балки давлатнинг ўзи ҳам рия қилиши керак. Ҳуқуқ ва давлат ўзаро боғлиқ бўлгандагина жамиятда конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланади.

(Давоми 2-бетда).

БУГУНГИ СОНДА ЎҚИНГ!

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Пойтахтимизда «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши ташаббуси билан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди

2

ДЕНОВЛИК ФЕРМЕР



тап-тақир қирлар
бағрида
боғу бўстон
яратди

3

ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИ

Ёш футболчиларимиз китъа чемпиоанти ғолиблигига даъвогарлик қилишмоқда



4

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

МАНГУ ҲИЛПИРАЙВЕР, ЮРТИМ БАЙРОҒИ!



Қадим-қадимлардаёқ туркий халқларнинг ўз рамзлари, шартли белгилари бўлган. Ушбу рамзларда турли тасвирлар ифода этилиб, улар халқ, миллат турмуш тарзи, руҳияти, анъаналари, тарихи билан узвий боғланган.

Тарихий манбалар шундан далолат берадики, эрамининг 565-803 йилларида ҳукм сурган авар салтанатининг яшил байроғи марказида от устида камон отётган жангчи тасвири, газнавийлар (963-1183 йиллар) байро-

ғининг яшил матосида ярим ойга боққан товус тасвирланган. Амир Темур давлатининг 1381-1501 йиллардаги байроғи эса мовий рангда бўлиб, унинг марказида дунёнинг уч китъасини акс эттирувчи учта юмалоқ шаклдаги жисм ифода қилинган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг халқимизнинг азалий эзгу ниятини акс эттирувчи рамзларини тайёрлаш вазифаси илгари сурилди. Шу мақсадда республикамизнинг таниқли рас-

сомлари, тарихчилари, санъатшунослари, бадиий тасвир ва графика усталари, маданият ва санъат арбоблари, ҳуқуқшунос ва бошқа соҳа мутахассисларидан таркиб топган ишчи гуруҳи тузилиб, давлатимизнинг байроқ ва турғоси тасвири умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилди. 1991 йил 18 ноябрда эса Республика Олий Кенгаши томонидан «Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига

БИР-БИРИГА УЙҒУН, ҲАМОҲАНГ

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, улуғлаш ва унинг манфаатларини муҳофаза қилишдан иборат эканлиги белгиланган бўлибди. Тараққиётимизнинг ўтган 17 йили давомида бу йўлда кўплаб муҳим ҳужжатлар қабул қилинди, ҳуқуқий асослар яратилди.

Авалло айтиш жоиз, жаҳонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 70 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинган. Аммо улар орасида БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси алоҳида аҳамият ва нуфузли ҳолат касб этади. Мазкур

Декларация эълон қилинганидан буён БМТ томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид унлаб ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик, сиёсий ва бошқа жонларнинг олдини олиш, жазолашнинг шартсиз, инсон қадр-қимматини камситувчи турларига қарши кураш, ирқий камситишнинг барча шакллариини тугатиш, меҳнатни ва иш ҳақини ҳимоя қилиш, эркак ва аёллар учун тенг имкониятлар яратиш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш сингари пакт ва конвенциялар шулар жумласидандир.

(Давоми 3-бетда).



ЁШЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ЖАМОЛИ

ҲАФТАЛИК САМАРАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизда ўтказилган Германия маданияти ҳафталиги кунлари самарали якунланди.

Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Тошкентдаги Гёте институти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу ҳафталик икки ой давом этди.

Ҳафталик доирасида пойтахт ва вилоятларда ўттизга яқин тадбирлар ва лойиҳалар, замонавий немис маданиятини акс эттирувчи кўргазмалар, концертлар, бадиий кечалар ҳамда спорт мусобақалари ўтказилди. Германияда суратга олинган бир қатор фильмлар намойиш қилинган эса тадбирларга ўзгача ғайи, ўзгача шухуҳ бахш этди.

САРА АСАРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Миллий санъат марказида Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзонинг "Эски шаҳар фарзандиман" номли кўргазмаси намойиш этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ранг-таъсир бу қалб кечинмаларининг сўзсиз ифодаси эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Кўргазмада Алишер Мирзонинг портрет, манзара, натюр-морт, маиший касб-хунар жанрларида ишланган энг сара асарлари намойиш этилди.

Айтиш жоизки, кўргазманинг "Эски шаҳар фарзандиман" дея номланиши ҳам беҳиз эмас. Чунки рассомнинг миллийликка йўғрилган, болалик йиллари ўтган пойтахтнинг Эски шаҳар қисмидаги хотиралари акс этган асарлари кўргазмага қўйилган.

Т. БАХТИЕРОВ.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЯНГИ АВЛОД

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида "Миллий қадриятларимиз: одоб-ахлоқ, кийиниш маданияти" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Одоб-ахлоқ, хушхўлиқлик, чиройли кийиниш инсоннинг зийнатидир. Тадбирда сўзга чиққанлар бу каби учрашувлар урф-одатларимиз, қадриятларимизга бўлган меҳр-муҳаббатни, миллий либосларимизнинг кўркемликни ёшлар қалбига сингдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлашди.

Анжуман доирасида институт талабаларининг кўргазмалари чиқишлари намойиш қилиниб, унда барча вилоятлар урф-одат ва анъаналари уйғунлашган либослар тақдим этилди. Ўзбекистон урф-одатлар ҳамоҳанглигида яратилган бу бетакрор либослар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўз мухбиримиз.

Ўқоёт

ЛОЧИН БИЛАН ХЎРОЗ

Лочин эгасининг қўлига ўрганган эди. У чорласа лип этиб учиб келарди-ю, елкасига ё биллага кўнарди. Хўроз бўлса доим уйдагилардан қочгани қочган. Дон-дун сепиб чақирмасанг, ёнингга йўламасди. Бир кун лочин хўрозга дашном берди:

— Сенларда инсоф йўқ эми. Нафсининг қўлига айланиб қолгансанлар. Садоқатни мана биздан ўрганиш керак. Хўжайин "гаҳ" деса, учиб бориб қўлига қўнамиз.

Хўроз деди: — Гапираверсан-да, ошна! Умрингда қовурилган лочинни кўрганмисан? Кўрмагансан. Қовурилган хўжайинни обдон кўргансан. Агар лочинни юлиб, сени ҳам қозонга босганлариде бунақа валдираб ўтирмасдинг.

Саъдулла СИЁЕВ.

"Адолат" газетаси тахририяти "Халқ сўзи" газетаси ходими Салоҳиддин Муҳиддиновга ўқиган Зоҳирдин МУҲИДДИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Адолат" СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши жамоаси Кенгаш раисининг ўринбосари Аъзам Каримовга отаси Ҳамдам КАРИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЯККАТУТДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Фарғона вилоятида замонавий типда қурилган ўқув масканлари сони яна биттага кўпайди. Тошлоқ туманидаги Яккатут қишлоғида 820 ўқувчига мўлжалланган Ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи ўз фаолиятини бошлади.

Икки миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига қад ростлаган янги коллежда ўқувчиларнинг замонавий таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Фан кабинетлари сўнгги русумдаги компьютер жиҳозлари билан таъминланган. Шунингдек, коллежда спорт зали, кутубхона ва ошхона ҳам ўқувчилар хизматида.

Ўз мухбиримиз.

Футбол

Саудия Арабистонида давом этаётган ёшлар (U-19) ўртасидаги Осиё чемпионатининг финал босқичида Ўзбекистон миллий терма жамоаси муносиб қатнашмоқда.

ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИ

Гуруҳ баҳсларида икки ғалаба ва бир дурангни қайд этган эгачи Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари хитойлик тенгдошлари билан ўтган чорак финал беллашувидан ғалаба қозониб, жаҳон чемпионати йўлнамасини қўлга киритдилар.

Вакилларимиз ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб қарши ҳужумлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишди. Ана шундай қарши ҳужумлар натижасида вужудга келган бурчак түпини амалга оширган жамоа сардори Шерзодбек Каримовнинг зарбаси дарвоза чизигини кесиб ўтди. Лекин ўйинни бошқарган австралиялик ҳакам голни инobatга олмади. Унинг айниқса учрашув қўшимча бўлимларининг сўнгги дақиқаларида чиқарган ажабтовур қарори ҳаммасидан ошиб ўтди. Натижада жамоамиз дарвозабони Дониёржон Усмонов



қизил карточка билан сиёғаниб, майдонни тарқ этди. Хуллас, қўшимча дақиқаларда ҳам ҳисоб очилмагач, навбат пенальтилар сериясига берилди. Омад лотереяси эса футболчиларимизга қулиб бокди. Энди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси келгуси

йили Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ёш футболчиларимиз юртдошларимизга яна бир совға хозирлашди. Чемпионатнинг ярим финал ўйинида Жанубий корейлик тенгдошлари билан майдонга тушган футболчиларимиз 1:0

ҳисобида ғалаба қозониб, Осиё чемпионатининг финалчисига айланди.

Бугун финалда Ўзбекистон — БАА футболчилари ғолиблик учун куч синашишди.

Жобир ХУҲАҚУЛОВ.

Тиббиёт муассасаларида

Истиқлол йилларида республикаимизда замонавий қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Қашқадарё вилоятининг олис қишлоқларида ҳам янги ва кўркем шифо масканлари "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида қуриб битказилаётгани фикримиз далилидир. Муҳими, қишлоқ аҳолининг ортиқча оворагарчиликларига чек қўйилди. Энди улар шаҳар ёки туман марказида эмас, маҳаллада жойлашган врачлик пунктларида даволашлари мумкин.

САЛОМАТЛИКНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

Қорателпак — воҳанинг чекка қишлоқларидан бири. Вилоят марказидан қарийб саксон нақирим олисда жойлашган бу маскандаги ўзгаришлар кишини хайратга солади. Бугун Чироқчи туманида мустақиллик йилларида барпо этилган 10 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаётган бўлиб, Қорателпакдаги ушбу маскан уларнинг энг намуналисидир. Эллик ўринга мўлжалланган шифохонада аҳолига замон талаблари даражасида хизмат кўрсатилмоқда.

— Илгари туман ёки вилоят марказига боришга тўри келарди, — дейди бемор Салима Бобоназарова. — Энди эса бунга ҳожат йўқ. Қишлоғимизнинг ўзидаги қишлоқ врачлик пунктида шифокорлар аниқ ташхис қўйиб, муолажа қилишади. Мени аллергия тошмалар безовта қиларди. Соғлиғим ёмонлашган, қишлоғимиздаги тиббиёт масканига келдим. Шифокорлар дарҳол зарур муолажаларни қилишди. Уларнинг беминнат ёрдами билан дардларимдан халос бўлаяпман.

Дарвоқе, қишлоқ ҳудудида ҳозир 10 мингдан зиёд фуқаро умргузаронлик қилмоқда. Қишлоқ врачлик пункти жамоаси аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида хонадонлар-

га тез-тез ташриф буюриб, ҳовли-жойлар озодалиги, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини назорат қилишади. Шунингдек, болалар ўртасида турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш юзасидан ҳам тушунтириш ишлари олиб боришади.

— Муассасамизда ташхис қўйиш ва лаборатория ишлари алоҳида эътибор қаратилган, — дейди шифокор Баҳодир Раҳимов. — Эмлаш, физиотерапия, аёллар маслаҳатхонаси, кундузги даволаш хоналари ҳам зарур ускуналар билан жиҳозланган. Хатто дориҳонамиз ҳам бор.

Қишлоқ врачлик пунктини қуриб фойдаланишга топшириш учун 50 миллион сўм бюджет маблағлари сарфланган бўлса, ҳомийлар ҳисобидан ҳам 20 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилган эди. Қолган ишлар эса қишлоқ аҳолининг ҳам-жихатлиги билан ҳашар усулида барпо этилди. Касалликни барвақт аниқлаш ва даволашнинг зарур имкониятларига эга бўлган мазкур муассаса эндиликда фуқаролар саломатлигининг ишончли ҳимоячисига айланмоқда.

Қомил САҲАТОВ,
"Адолат" мухбири.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бепарволик, лоқайдлик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ноҳус ва аянчли ҳодисаларга олиб келади. Айниқса, электр тармоқлари, газ ускуналаридан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик эса муҳим оқибатларни келтириб чиқариши турган гап.

Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 1286 та ёнғин содир бўлди. Бундан кўрилган моддий зарар 149 миллион 534 минг 57 сўмни ташкил этди. Ачинарлиси, 34 киши

эса бевақт ёруғ оламдан кўз юмди, 33 нафар киши тан жароҳати олди. Шундан эҳтиётсизлик оқибатида 626 та ёнғин ҳолати, носоз электр ускуналаридан 321 та, ёш болаларнинг олов билан ўйнашдан 184 та, газ ускуналаридан нотўғри фойдаланиш сабабли 24 та ёнғин содир бўлган.

Шуни ҳисобга олган ҳолда Давлат ёнғин назорати ходимлари аҳоли ўртасида турли тадбир ва учрашувлар ўтказиб келмоқда. Уларда жонли мисоллар орқали огохлантириш, кўрсатма

ва маслаҳатлар бериб келинмоқда.

Қиссадан хисса шуки, оловдан эҳтиёткорлик билан фойдаланишимиз, доимо ёнғин хавфсизлиги қонун ва қоидаларига амал қилиш ҳар биримизнинг вазифамиз эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ана шунда йиллар давомида мисоллаб йиққан молу давлатни асраб қолган ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга хисса қўшган бўламиз.

Ф.ЭРМАТОВ,
Ёнғин хавфсизлиги инспектори.



БАРЧА ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГИЗНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ ЙЎЛИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ТУРОН БАНК

барча юридик шахслар учун қуйидаги шартлар асосида депозит сертификатларини ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Амал қилиш муддати	Жами сумма (сўмда)	Фоиз ставкаси (йиллик)
6 ой	1 000 000 000 гача	12 %
13 ой	7 000 000 000 гача	13 %
36 ой	1 000 000 000 гача	14 %

Маълумот учун телефонлар:

244-25-81,
244-12-74, 700-55-55.

Манзил:

Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 4-а уй.

Пластик карталар

СМС банкинг

Пул ўтказмалари

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz

Бош муҳаррир
Холтўра ШАҲОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият —
233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64

Маил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МҲИДИНОВ,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Жовдатхон ИНОҒОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Қамол АЛЛАЕВОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),

Мухаммад АЛИ,
Мамазоир ХҲАМБЕРДИЕВ,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Турсунали ҚҲЗИЕВ,
Талғат МУРОДОВ.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланган

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят
руҳсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси — 100

Навбатчи муҳаррир — Муродулло ҒАҒУРОВ
Навбатчи — Носир ХАЙДАРОВ
Саҳифаловчи — Собиржон ТУНҒАТОВ